

## ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ДАВРЛАШТИРИШГА ОИД ЯНГИЧА ТАЛҚИНЛАР ХУСУСИДА

(Академик А. Асқаров назарий-методологик ғояси асосида)



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-283-288>

**Файзулла Толипов Тар.Ф.н.**

Давлат солик қўмитаси хузуридаги Фискал институт  
“Гуманитар фанлар ва инглиз тили” кафедраси доценти

### АННОТАЦИЯ

Мақолада мустқиллик йилларида Ўзбекистон тарихини давраштириши борасида академик Аҳмадали Асқаров томонидан илгари сурилган назарий-методологик гоянинг аҳамияти, мазкур давраштиришининг моҳияти ва унинг тарихий ҳақиқатни рӯёбга чиқаришдаги ўрни хусусида сўз юритилган. Унда ҳар бир тарихий даврнинг ўтмиши объектив қонуниятлар асоида ўқитишга таъсири, инсоният тарихи дунёнинг турли минтақаларида турли тарихий даврларда турлича кечганлиги ва бир минтақадаги тарихий жараёнлар иккинчи минтақадаги тарихий жараёнлардан тубдан фарқ қилиши ва бунда Ўзбекистоннинг маълум маҳаллий жиҳатларини эътиборга олиши муҳимлиги баён қилинган.

**Калим сўзлар:** Ўзбекистон тарихи, давраштириши, мустақиллик, назарий-методологик гоя, тарихий ҳақиқат, ижтимоий-иқтисодий формация, тарихий давр, ўтмиш, объектив қонуният, инсоният тарихи, тарихий жараён, мерос.

### ABSTRACT

The article discusses the importance of the theoretical and methodological idea put forward by academician Ahmadali Askarov on the chronology of the history of Uzbekistan during the years of independence, the essence of this chronology and its role in realizing the historical truth. It explains the impact of each historical period on the teaching of the past on the basis of objective laws, the history of mankind in different regions of the world and the fact that historical processes in one region are radically different from the historical processes in another.

**Keywords:** History of Uzbekistan, chronology, independence, theoretical and methodological ideas, historical truth, socio-economic formation, historical period, past, objective law, human history, historical process, heritage.

## КИРИШ

Ўзбек халқининг бой тарихи, маънавий мероси ва маданиятига бугунги кунда янгича тафаккур ва дунёқарааш асосида муносабат билдирилмоқда. Улар хусусида китоблар, монография ва ўқув қўлланмалари чоп этиш, ёшлар, умуман кенг халқ оммасига етказиш йўлида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада мустақиллик йилларида амалга оширилган туб иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар билан бир қаторда, фан ва таълим соҳаларида ҳам асрларга татигулик чуқур, кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Жамиятимизда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар ва ислоҳотлар даврида халқимизнинг бой тарихи, моддий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда келажак авлодларга етказиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бунда тарихни даврлаштириш муасаласи муҳим ҳисобланади. Бу борада Академик А. Асқаров концепцияси янада эътиборга моликдир. Ушбу назарий-методологик ғоя асосида тарихни ўргансак, биз албатта ўтмишимизни ҳаққоний ўрганиш имкониятига эга бўламиз.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ушбу мақола академик Аҳмадали Асқаровнинг 2015 йилда “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” номли капитал асарида илгари сурилган Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласига оид концепцияси таҳлили асосида ёзилди. Мақолада Н. Обломуродов ва Ф. Толиповлар томонидан 2022 йилда чоп этилган “Ўзбекистон тарихи” дарслигига ҳам мурожаат қилинди. Мақола барча ижтимоий-гуманитар фанларда қабул қилинган объективлик, изчиллик, тарихий ҳамда ижтимоий воқеа ва ҳодисаларни хронологик асосда ўрганиш, математик таҳлил, манба ва даллиларга таяниш ва уларнинг ҳаққонийлига асосланиш тамойиллари негизида ёритилди.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида халқимизнинг ўтмиши, миллий урф-одатлари, қадриятлари ўзига қайтарилди. Совет тузуми йилларида оёқ ости қилинган маънавиятимиз мустақиллик шарофати билан тикланиб, уни бойитиш йўлида қатор ҳайрли ишлар қилинди. Дарҳақиқат, тарихни тўғри даврлаштириш асосида фанга оид билимларни ёшлар онгига мукаммал етказиш муҳим аҳамият касб этади. Тарихни тўғри даврлаштирмасдан туриб, уни холис ўрганиб бўлмайди.

Жумладан, мамлакатимиз тарихини ягона назарий концепция асосида даврлаштириш масаласи анча йиллар талай баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Аммо кейинги йилларда Ўзбекистон тарихи фанида бой ўтмишимизни даврлаштириш масаласи ўз ечимини топди, десак муболага бўлмайди. Ваҳоланки, ҳар бир халқ ва миллат тарихи маълум маҳаллий шарт шароитлар ва қонуниятлар асосида ривожланади ва шу асосда даврлаштирилади. Чунки инсоният тарихи дунёнинг турли минтақаларида турли тарихий даврларда турлика кечган бўлиб, бирон бир минтақадаги тарихий жараёнлар иккинчи минтақадаги тарихий жараёнлардан тубдан фарқ қиласди.

Айнан Ўзбекистон тарихини янгича даврлаштириш борасида ўзининг назарий концепциясини илгари сурган академик А.Асқаров бу борада тўғри таъкидлаб, ўзига хос илмий тавсияларини илгари суриб, қуйидагиларни қайд этади: “Шўролар даври тарих фанида кишилик жамияти тарихини 5 та ижтимоий-иқтисодий фармациялар (ибтидоий жамоа тузуми, кулдорлик, феодализм, капитализм ва социализм)га бўлиб ўрганиш анъанага айланган эди. Собиқ СССР парчаланиб, коммунистик ғоя ва социализм системаси барбод бўлгандлан сўнг, жамият ижтимоий ва иқтисодий қонунлари ўзгарди.

Шу боисдан бугунги кунда ҳаёт тарихга, жамият тараққиётининг ривожланиш қонуниятларини ўрганишда объектив, аниқ ва бирламчи манбалар асосида ёндашишни тақоза этмоқда. Зеро, жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини 5 та формацияларга бўлиб ўрганишлик эндиликда замон талабига тўғри келмай қолди. Чунки Ўрта Осиё халқлари тарих мисолида оладиган бўлсақ, кулдорлик тузими маҳсус ижтимоий-иқтисодий формация сифатида бизда бўлмаган. Социалистик жамият эса тарих тақоза этмаган ҳаёлий бир ўйдирма бўлиб чиқди. Ўрта Осиё шароитида ана шу 5 ижтимоий-иқтисодий формациянинг фақат учтасигина (ибтидоий жамоа тузуми, феодал жамияти ва капиталистик муносабатларнинг дастлабки босқичлари) юз берганлигини таъқидлаш мумкин. Совет даври жамияти эса давлат монополистик капитализми шаклида ривожланди.

Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласида совет даврида мутлақо бошқача ёндошувлар мавжуд эди. Бундай тарихий даврлаштиришдан фарқли равишда минтақамизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб академик А. Асқаров томонидан таклиф этилган назария ҳам эътиборга моликдир. Олим Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда қуйидаги еттита асосий даврни кўрсатиб ўтади:

- 1) Ибтидоий тўда даври (1 млн-40 минг йилликлар)

2) Ибтидоий уруғчилик жамоаси ва мулк эгалигининг шаклланиш даври (40 минг йилликдан милодий IV асрларгача)

3)Илк Ўрта асрлар даври (V асрдан – VIII аср охригача)

4)Ўрта асрлар даври (IX аср ўрталаридан-XIX асрнинг биринчи ярмига қадар)

5)Мустамлакачилик ва миллий уйғониш даври. (XIX аср ўрталари, подшо Россияси босқини давридан то1917 йил Октябр давлат тўнташигача)

6)Советлар даври (1917-1991 йиллар)

7)Миллий истиқлол, мустақилликка эришиш ва демократик- фуқаролик жамияти қуриш даври<sup>1</sup>.

Шу ўринда тарихий тафаккур ва тарих фалсафаси маънавий бой, маърифатли жамият қуришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилшини қайд этиш зарур. Уларни талабаларга етказища қуидаги омиллар муҳим ўрин тутади.

*Биринчидан*, талабаларда тарихни англаш орқали ҳаётни англаш, ўзлигини англаш қобилияти шаклланади, уларда истиқболини белгилаш туйгуси кучаяди.

*Иккинчидан*, талабалар тарихий тафаккур орқали ўтмиш ва бугунги ҳаётни солиштириш, таққослаш ва зарур хulosалар чиқариш имкониятига эга бўладилар, ўтмиш ва бугунги кун мазмuni чукурроқ англаш фалсафаси юзага келади. Бу ҳар бир инсоннинг ўзига хос тафаккур тарзини шакллантириш орқали шахс сифатидаги феъл-авторининг ривожланишига хизмат қиласи.

*Учинчидан*, ёшлар тарихни ўрганиш орқали турли қирғинбаротлар исканжасида ўзлигини йўқотган, ўз қадру қимматини унугланади. Ушбу жараён инсоннинг ўзини-ўзи янгилашига ёрдам беради.

*Тўртинчидан*, аждодлари буюк, жаҳон тараққиёти ва тамаддунига катта ҳисса қўшган маданиятга дахлдор халқ қалбида ўтмишини ўрганиш миллий ғурурнинг уйғониши катта ижтимоий-маънавий қудрат бўлиб хизмат қиласи. Ушбу жараён инсоннинг ўзини-ўзи янгилашига ёрдам беради.

*Бешинчидан*, жамиятда инсоннинг маънавий-руҳий қувватини юксалтириш орқали жамиятни янгилаш, инсон турмуш тарзини ўзгартириш каби чуқур, кенг миқёсли ислоҳот амалга оширилади. Бу бугунги Янгиланаётган Ўзбекистондаги кенг қамровли ислоҳотлар даврида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласи.

<sup>1</sup> Аскаров А. “Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи”, Т., 2015. “Ўзбекистон”. 67-90 бетлар

Тарих фанини ўрганишда маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий ғоя ва назарияларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Улар тарих фанининг мазмун ва моҳиятини чуқурроқ англашга, шунингдек фанни ўрганишнинг мақсад ва вазифаларини кенгроқ очиб беришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам уни маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий-назарий асослариға таянган ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Дарсларда тарих фанини ўрганишда маълум илмий, методик тамойилларга таяниш ҳам муҳимдир. Шунингдек этнография, археология, антропология фанларида қабул қилинган моддий ва ёзма маълумотларга таянган ҳолда иш юритиш ҳам фанни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади<sup>2</sup>.

Тарих фани инсониятнинг ўтмиши, аҳолининг турмуш тарзи, жамият ижтимоий тараққиётига оид содир бўлган воқеа ва ҳодисаларни, инсоният жамиятининг барча тадрижий (эволюцион) ривожланиш жараёнларини ўрганади. Ватанимиз тарихи жаҳон тарихининг ажralmas қисми бўлиб, у аждодларимизнинг босиб ўтган тарихий йўли, турмуш тарзига оид маълумотларни маълум изчилликда ва кетма-кетликда ўрганади. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганиш орқали биз аждодларимизнинг ҳаёти, турмуш тарзи хусусида тушунчаларга эга бўлиш баробарида, уларнинг жаҳон халқлари тарихий тараққиётига қўшган хиссалари ҳакида зарур маълумотларга эга бўламиз.

## ХУЛОСА

Умуман олганда агар биз тарихни тўғри даврлаштирасак, тарихда содир бўлган жамики воқеа ва ҳодисалар, улардаги умумийлик ва алоқадорлик қонуниятлари, тарихий ҳодиса ва жараёнлар, хусусан Ўзбекистон тарихидаги барча тарихий жараёнларни холис ўрганиш имкониятига эга бўламиз. Бунда академик Аҳмадали Асқаровнинг Ўзбекистон тарихини даврлаширишга оид назарияси энг объектив ва холис назариядир. Бу борада албатта фанини ўрганиш обьекти ҳам муҳимдир. Ўзбекистоннинг тарихида содир бўлган барча воқеа ва ҳодисалар, фанинг обьектидир. Тарих фанининг обьектига нисбатан фанинг мақсади, вазифаси, йўналишини белгиланади. Яъни, маълум бир маънода обьект билан предмет бир-бирига жуда яқин тушунча бўлса-да, улар барча фанларда моҳияти, ўрни ва вазифалари билан фарқланадилар. Зеро, тарих фанида обьект, аниқ тарихий давр, макон, замон ва географик ва умумий

<sup>2</sup> Обломуродов Н. Толипов Ф. Ўзбекистон тарихи. (Олий таълим муассасаларининг номутахассислик талабалари учун дарслик). Т., 2021.

минтақавий чегаралар, маълум халқлар, мамлакатлар тарихи билан боғлиқ жараёнлар бўлиб, улар воқеа ва ҳодисаларни бир бутун ва яхлитликда қамраб олади. Шу боисдан ижтимоий гуманитар фанларнинг обьекти, аниқ реалликда содир бўлган ва бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардир. Предмет эса мана шу обьект ичидаги аниқ тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан иборат бўлган воқеа ва ҳодисаларни ўрганишdir.

## REFERENCES

1. Аскаров А. “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи”, Т., 2015. “Ўзбекистон”. 67-90 бетлар/ Askarov A. "History of the origin of the Uzbek people", T., 2015. "Uzbekistan". Pages 67-90
2. Обломуродов Н. Толипов Ф. Ўзбекистон тарихи. (Олий таълим муассасаларининг номутахассислик талабалари учун дарслик). Т., 2021. /Oblomurodov N. Tolipov F. History of Uzbekistan. (Textbook for non-specialty students of higher education institutions). T., 2021.